

ЎЗБЕКИСТОН



ОВОЗИ

ЎТИМОИЙ-
СИЙОСИЙ
GAZETA

• 2005-йил • 30-iyun • Payshanba • 79 (27.414) • 1918-йил 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 28-29 ИЮНЬ КУНЛАРИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВЛАДИМИР ПУТИННИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН МОСКВА ШАҲРИДА БЎЛДИ

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия алоҳида ўрин тутди. Тошкент ва Москванинг кўплаб халқаро муаммоларга муносабати ўхшаш ёки яқин, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги қараш ва иштироки муштарак. Ўзбекистон ва Россия барча соҳаларда ўзаро алоқалар кўламини кенгайтиришдан манфаатдор. Ана шу манфаатдорлик, шунингдек, ҳамкорликдаги ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳи, икки давлат раҳбарларининг ўзаро самимий муносабати, кўпгина масалаларда фикрдошлиги 2004 йили Тошкентда Ўзбекистон билан Россия ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланишига асос бўлди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўртасида қарор топган олий даражадаги мулоқотлар ҳамкорликнинг янги қирраларини очиб, ишга солилмаётган имкониятларни қўриб чиқиш, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қўлай ўқимият яратмоқда.

Ислом Каримовнинг Москвага бу галги ташрифи чоғида Россия Президентининг Ново-Огарёво қароргоҳида ўтган музокаралар савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқалар масалалари муҳокамасига бағишланди. Ислом Каримов ва Владимир Путин ҳамкорлик кўламини муттасил кенгайтириш, савдо-иқтисодий алоқаларга доир кўрсаткичлар ошириб бораётганини, ушбу ташриф ўзаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 38 фоиз ошиб, 1 миллиард 641,9 мил-

лион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойига доир кўрсаткич эса 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 42 фоиз ўсган.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ёқилғи-энергетика мажмуидаги сармоявий ҳамкорлик диққатга сазовордир. «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» ва «Газпром» очик акционерлик жамиятлари ўртасида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон нефть-газ саноатида 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридан сармоя киритилишини кўзда тутди.

Ново-Огарёво учрашувида бошқа қўлаб йўналишлар бўйича ўзаро манфаатли ийрик лойиҳалар режалаштирилаётгани қайд этилди.

Маданият ва санъат, таълим, экология ва умуман ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида изчил мулоқотлар, ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ислом Каримов ва Владимир Путин халқаро ташкилотлар, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхташди. Ислом Каримов жорий йилнинг 13 май куни Андижонда рўй берган фожиали воқеалар ҳоҳишдаги экстремистик марказлар томонидан тайёрланган операция эканлигини, унга МДХ, шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатларида содир бўлаётган жараёнлардан айри ҳодиса сифатида қараши мумкин эмаслигини таъкидлади.

Андижон воқеалари, МДХ мамлакатларида уюштирилаётган турли «рангли инқилоблар»дан фарқли ўла-

рок, мутлақо янги шакл ва қиёфада амалга оширилган муҳим фитнадир. Бу гал «сценарий муаллифлари» ва «режиссёрлар» «демократияпараст оломонни намоийшга олиб чиқмади. Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатини кўра олмайдиган, Марказий Осиёда вазиятни издан чиқариш ниятида бўлган бу «раҳнамолар» оломон ўрнига, кўпуровчилик бўйича яхши тайёргарлик кўрган террорчи ва экстремистларни ишга солди, деди Ислом Каримов.

Бу муҳим операцияга олдиндан тайёргарлик кўрилгани қўйидагилардан ҳам аён бўлади: хорижлик журналистлар Андижон воқеалари арафасида Ўзбекистонга келиб, жойлашиб олди. Чунки милиция батальони ва ҳарбий қисмдан катта миқдорда қурол-аслаҳа ҳам ўқ-дори олиниши, қамоқдан юзлаб жиноятчилар чиқариб юборилиши туфайли тинч аҳоли орасидан қурбонлар бўлиши мумкин эди. Шу тариқа ахборот ҳуружи учун ҳам замин тайёрланди. Андижонда ҳали битта ҳам ўқ отилмай туриб, айрим хориж оммавий ахборот воситалари «хукумат тинч аҳолини ўққа тутишга буйруқ бергани» ҳақида жар сола бошлади. Кейинчалик гараз ниятли бу кампания иштирокчилари мустақил халқаро текириш ўтказишни талаб қилишга тушиб кетди.

Владимир Путин Ўзбекистон раҳбарининг операция хорижда тайёрланганини тўғрисидаги фикрини тасдиқлаб, ўша кунлари Афғонистонда жангариларнинг ҳаракатга тушиб қолгани ва айрим мамлакатлар чегаралари яқинида кўпуровчилик гуруҳлари тўпланганини қўйидагиларни, Россия махсус хизматлари бу ҳақдаги маълумотларга эга эканини таъкидлади.

Россия раҳбари Андижон воқеалари муносабати билан Ўзбекистон халқига ҳамдардлик ихлос эрди. Андижонда ҳаёт изга тушгани, вазият барқарорлашгани ва назорат остига олингани бизни қувонтирди, деди Владимир Путин.

Ново-Огарёво учрашувида томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Президентини Ислом Каримов Россия муҳофаа вазири Сергей Иванов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бу йўналишдаги алоқалар ҳарбий махсусотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, кадрлар тайёрлаш, биргаликда машқлар ўтказиш, коинотни тадқиқ этиш бўйича давлатлараро дастурлар тузиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Учрашувда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонда ҳарбий махсусотлар ишлаб чиқарувчи қўшма корxonалар очиб масаласи кўриб чиқилди. Бу йил Ўзбекистон ва Россия қўролли кучлари биргаликда ҳарбий машқ ўтказиши мазкур соҳадаги ҳамкорликнинг дадил қадамларидан бири бўлиши таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбари Россия Президенти билан музокаралар самарали бўлганини, суҳбат очик, ўзаро ишонч руҳида, ишчанлик қайфиятида ўтганини қайд этди.

Анвар БОБОЕВ,
Ўза махсус мухбири.
Тошкент — Москва — Тошкент.

Публицистика

ИСТИҚЛОЛГА ИШОНЧ

Кечагидек эсимда, ўзим гувоҳ: 1991 йил, 31 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси. Минбарда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов:

«Мен бугундан эътиборан биринчи сентябрни жумҳуриятимизда мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни тақдир этман».

...Қарсақлар, олқишлар... Ҳамма ўрндан турган... Қувончлар, севинчлар...

Ҳа, ўша кун, ўша соат, ўша лаҳзалардан бошлаб, халқимиз тинч ва оёқсизлиқ йўли билан ўзининг азалий ҳуқуқига — ўз тақдирини ўзи белгилаб, чинакам ҳуқуқий демократик давлат пойдеворига тамал тоши қўйди.

...Залда қарсақлар олқишлар ҳали тинганича йўқ эди. Президентимиз улуг алло-маларимиз — Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мир Алишер Навоий каби даҳо бобоқалонларимиз номларини тилга олдилар. Ўша кез, ўша он

бутун Ўзбекистонни, ўзбекистонликларни, айна пайтда жуда катта юрак ва журъат билан Мустақилликни эълон қилган Ислом Каримовни уларнинг руҳлари кўлаб-қувватлаётгандек бўлиб туйилди...

Йўлбошчимиз ўшанда башар аҳлига: **Эй, одамлар, дунёда Ўзбекистон аталмиш бир гўзал юрт бор**, деган хабарни бонг уриб айтаётгандек ва сўзи орасида **«Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмай-миз?»** деб ҳайқиргандек ҳам бўлдилар...

...Мана, дарвоқе, орадан ўн тўрт йил ўтиб, ўзбек ўз қаддини тиклаб олди. Дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам ҳам бўлмаглигини намоийш қўлди. Истибод йиллари эзилган, таҳқирланган бир эл яна гурури сарбаланд халққа айланди...



2-бет

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИНИ ЙЎЛАБ...

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий ёнана эркинлаштириш хусусида тўхталиб, эркин тадбиркорлик фаолияти учун қароқўлларни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд вазиятларни бартараф этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий ёнана эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тако-

дан қўрилаётган чора-тадбирлар, бу борада солиқ хизмати органлари олдида турган долзарб вазифалар борасида журналистларга батафсил ахборот берди.

Бугунги кунда Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қўйи органлари томонидан ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва талабларини тадбиркорлар ўртасида чуқур тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Уларни қизиқтиратган саволларга атрафича жавоблар берилмоқда.

Анжуманда мазкур йўналишдаги вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутуши таъкидланди. Шу боис солиқ хизмати органлари ва журналистларнинг бу борадаги ҳамкорлигини алоҳида эътибор қаратилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
Ўза мухбири

МУАССИСНИНГ ТАҲРИРИЯТГА СОВҒАСИ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан таҳририятга Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Алдишдин Рустамов ташриф буюрди. У жаомамизни касб байрами билан қўлаб, партия ва матбуот ўртасида ўрнатилган яхши ижодий ҳамкорликдан мамнун эканлигини билдирди. Шунингдек, у бугун мамлакатимиздаги миллий матбуот ривожини, унинг ҳақиқий эркин фикр ман-

баига айлинишида журналистлар касб-маҳоратини муттасил ошириб бориш муҳимлигини таъкидлаб, журналистларга улкан жасорат, куч-ғайрат, келгуси ишларида муваффақиятлар тилади ҳамда газетлага партиянинг совғаси — замонавий «Пентиум-4» компьютерини топширди.

Ушбу тадбирда партиянинг яқинда бўладиган навбатдаги қўрултойига тайёргарлик кўриш ҳамда уни матбуотда ёритиш масаласи ҳақида ҳам сўз юритилди.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Ватан ғимоси — олий шараф



Президентимиз ташаббуси билан Қўролли Кўчлар учун олий ҳарбий маълумотга эга кўп ихтисосий офицер кадрлар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қўролли Кўчлари Академияси ташкил этилган эди.

Академия теозор-тактик ихтисосга эга олий малакали ҳарбий кадрларни тайёрлашга, тадқиқотлар ўтказишга, илмий-педагогик ва илмий кадрлар тайёрлашга

мўлжалланган.

Шунингдек, Қўролли Кўчлар Академиясида Ўзбекистон Республикаси Қўролли Кўчлари учун етуқ офицер кадрларни тайёрлаш, уларнинг касбий тайёргарлик малакасини ошириш учун ҳарбий фан муаммоларини ўрганишда фундаментал изланиш ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, ҳарбий сиёсат, Қўролли Кўчлар қўрилиши ва тайёргарлиги бўйича амалий масалалар, илмий-пе-

дагогик ва оператив-тактик ихтисослиги бўйича илмий кадрлар тайёрлаш кўзда тутилган.

Мазкур Академияга қўшилганда камда беш йил хизмат қилиб, таъриба орттирган, юксак натижаларга эришган офицерлар қабул қилинади. Тинловчилар Академияда икки йил давомида таълим оладилар.

Академияни тутатган офицерлар қўшилганга асосан раҳбарлик лавозимларига тайинланадилар.



ОФИЦЕРЛАР — МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ФАХР-ИФТИХОРЛАРИ

Марказий офицерлар уйда Қўролли Кўчлар Академияси тинловчиларининг навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди. Байрам таъдбирида сўзга чиққан муҳофаа вазири Қодир Ғулломов битирувчиларни қўлаб, уларга диплом топширди. Ийгиликлар яна бир қувончли хушxabарни қарсақлар билан олқишлашди. Бир гуруҳ

офицерларга навбатдаги ҳарбий унвон бериш тўғрисидаги муҳофаа вазирининг буйруғи ўқиб эшиттирилди.

Офицерлик — шарафли касб. Офицерлик — катта унвон. Офицерлар — миллий армиямиз гуруҳи. Офицерлар — аскар ва сержантларнинг устози, энг яқин маслаҳатчиси. Халқимиз етуқ хар-

бий кадрларимиз — офицерларга ишоноди ва улар билан ҳаммаша фахрланади.

Равшан ШОДИЕВ
Суратларда: Қўролли Кўчлар Академияси тинловчилари битирув тантаналаридан лавҳалар.
Қамол ТўРАЕВ олган суратлар.

Диққат

СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ

СИЗНИНГ САВОЛЛАРИНГИЗГА РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ТУРОБЖОН ЖўРАЕВ ЖАВОБ БЕРАДИ

Мустақиллик йиллари мамлакатимиз таълим тизимида улкан бурилишлар, тарихий янгилашлар даври бўлди. Фарзандларимизни ҳар томонлама етуқ ва барқамол қилиб тарбиялаш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Таълимнинг ҳар бир босқичида ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ўтган 2004 йил эса республикамизда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинган йил сифатида ёдимизда қолди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умум-миллий дастури тўғрисида»ги Фармони ва ушбу Фармон асосида қабул қилинган ҳукумат қарорларида мактабларимизнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб берилди. Бугун мазкур Фармон талабларини бажариш бўйича жойларда кенг қўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Лекин, жойларда таълим тизимидаги ислохотларга тўсиқ бўлаётган муаммолар, камчиликлар ҳам оз эмас. Агар сиз мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умум-миллий дастурининг ижроси қандай бораётгани, мактабгача таълим муасссалари, ўқитувчилик касби муаммолари ва улар учун яратилаётган шaroитлар юзасидан ўзингизни қизиқтиратган саволларга жавоб топшини истасангиз, ушбу масалалар бўйича тақлифларингиз бўлса, «Ўзбекистон овози» газетасининг «Сиртқи қабул соатлари»га мурожаат қилинг.

Савол ва тақлифларингизни хат, шошилинчюма, факс ёки телефон орқали йўллашингиз мумкин.
Мурожаатлар 12 июлга қадар қабул қилинади.
Манзил: Тошкент 700000, Матбуотчилар кўчаси 32-уй, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти.
Телефон: 133-69-45, 136-53-70, 133-79-14, 136-55-04.
Факс: 133-12-56.

ФЕРМЕРЛАРГА ЯНГИ КОМБАЙНЛАР

Ғаллага ўроқ тушган шу долзарб дамларда республика акционерлик тижорат «Ғаллабанк»нинг Навоий минтақавий бўлими ташаббуси билан фермерларга янги Россия комбайнлари олиб берилади. Бу билан Карма-на туманидаги «Ўзбекистон» ва Кизилтепа туманидаги Қосим Қобилонов номи ширкат «ўж» иккалари ғаллакорлари оғирни енгиб бўлди.

— Йил охиригача фермерлар учун яна 3 зона «Дон» русулими Россия комбайнлари келтирилади, — дейди Навоий вилоят «Ғаллабанк» бошқарувчиси Фаёз Исмолов.

Музаффар ШАРОПОВ

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI

Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bija@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!

Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz

Хизматлар лицензияланган

